

СОЛИҚ-БОЖХОНА СИЁСАТИНИ ЮРИТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ТАҲЛИЛИ

**Усмонов Кахрамонжон Акбаралиевич -**  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги,  
Солиқ-божхона сиёсати ва даромадларни прогнозлаштириш  
департаменти директори ўринбосари, (PhD)

**Аннотация:** Мазкур мақолада солиқ-божхона сиёсати юритиш механизми, мақсади ва методологияси баён қилинган. Иқтисодий тармоқлари ва ҳудудлар бўйича солиқ салоҳиятини ҳисоблаш формуллари келтирилган ва хорижий тажрибалар таҳлил қилинган, шунингдек солиқ-божхона сиёсатини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** солиқ-божхона сиёсати методологияси, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка.

АНАЛИЗ МЕТОДОЛОГИИ НАЛОГОВОЙ И ТАМОЖЕННОЙ ПОЛИТИКИ

**Усмонов Кахрамонжон Акбаралиевич -**  
Министерство финансов Республики Узбекистан,  
Заместитель директора Департамента налоговой политики и  
прогнозирования доходов, кандидат экономических наук

**Аннотация:** В данной статье изложены механизм, цель и методология ведения налогово-таможенной политики. Приведены формулы определения налогового потенциала в разрезе отраслей экономики и регионов, также рекомендации по совершенствованию налогово-таможенной политики.

**Ключевые слова:** методология налоговой и таможенной политики, налоговый потенциал, нормативный анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, репрезентативная ставка налога, средняя ставка.

ANALYSIS OF THE METHODOLOGY OF TAX AND CUSTOMS POLICY

**Usmonov Kahramonjon Akbaralievich -**  
Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan,  
Deputy Director of the Department of Tax Policy  
and Revenue Forecasting, (PhD)

**Abstract:** This paper describes the mechanism, purpose and methodology of conducting tax-custom policy. The formulas of defining tax potential by economic sectors and regions, as well as proposals on improving tax-custom policy were given.

**Keywords:** tax and customs policy methodology, tax potential, normative analysis, positive analysis, tax burden, representative tax rate, average rate

**Кириш.** Давлат бюджети давлатчиликнинг атрибути ҳисобланганлиги сабабли, тузумдан ва тараққиёт даражасидан қатъий назар, давлат функцияларини бажариш учун бюджет даромадларининг лозим даражада шакллантириш ҳар бир давлат учун зарур вазифа ҳисобланади. Бошқа томондан эса, бу вазифа солиқ сиёсатини тўғри юритишда ҳамда бюджет дефицитини қоплаш усулларини танлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Айниқса, солиқ сиёсати ижтимоий барқарорлик ва фаровонликни таъминлашда, давлатнинг бошқа инструментларига қараганда самаралироқ ҳисобланади, чунки жамият аъзоларининг даромадларини қайта тақсимлаш билан узвий боғлиқ» [1]. 2020 йилдаги пандемия шароитида, давлатларга вирус тарқалишига қарши курашиш ҳамда аҳолини қўшимча ижтимоий ҳимоя қилиш зарурати пайдо бўлган вақтда, иқтисодий фаолликнинг камайиши, бизнеснинг тўхташи ва бошқа омиллар натижасида давлат

бюджети даромадларининг камайиши кўп давлатларда давлат бюджети даромадларини шакллантиришда оптимал ёндашув зарурлигини тақозо қилди.

Мисол учун, 2020 йилда бюджет даромадлари АҚШнинг айрим штатларида 31 фоизга [2], Чехияда 13,5 фоизга [3] Литвада 12 фоизга [4], Россия Федерациясида 9,5 фоизга [5], Латвияда 7,5 фоизга [6] камайиб кетиши кутилмоқда. Бундан ташқари, 2020 йилда Австралияда [7] ва Бразилияда [8] солиқ юки даражасини камайтиришни кўзда тутувчи солиқ ислохотлари ўтказилмоқда. Шунингдек, Мексикада [8] ва Ҳиндистонда [9] солиқ маъмурчилигини яхшилаш, солиқ тизимини рақамлаштириш орқали давлат бюджети даромадларини ошириш тадбирлари кўзда тутилмоқда. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотига (ОЭСР) аъзо мамлакатларда эса солиқ сиёсатининг асосий мазмуни коронавирус пандемияси шароитида бизнесни қўллаб-қувватлаш ва давлат бюджети даромад-

ларини барқарорлигини таъминлашга қаратилмоқда[10].

Ўзбекистонда солиқ-божхона сиёсати, одатда, ҳар йили қайта кўриб чиқилади. Сиёсатни ишлаб чиқиш, асосан Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа идораларга киритилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Солиқ-божхона сиёсатининг мақсади – давлат бюджети даромадларини максимал даражада тўлдирган ҳолда, солиқ юкини оптималлаштиришдан ва шу орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Солиқ-божхона сиёсатини юритиш методологияси эса – солиқ-божхона сиёсатини ишлаб чиқиш учун зарур ҳолатни таҳлил қилиш, йўналишларни ишлаб чиқиш ва асослаш, самараларини ва ҳавф-хатарларни баҳолаш, давлат бюджети даромадлари ва солиқ юкига таъсирини солиштириш ва шу билан боғлиқ бошқа тадбирлар учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Умуман олганда, таҳлиллар икки турга бўлинади: “норматив” ва “позитив”. Солиқ-божхона сиёсатини ишлаб чиқишда ҳам мана шу усуллар қўлланилади. “Норматив” таҳлил – бир неча танловлар ичидан энг маъқулини танлаб олиш бўлса, “позитив” таҳлил эса танланган йўлни амалга ошириш учун нима ишлар қилинганлиги ва кейин қандай самаралар берилишини аниқлашдан иборат.

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг алоҳида олинган назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олим-

лар – А. Лаффер, Г. Милес, Е. Беккер, Е. Малыш, Л. Каплов, Н. Иванова, О. Лазурина, Р. Розе, С. Кадомцева, С. Миллер, С. Порса, Т. Гайер, У. Лотт, Х. Розен ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган[11].

Л. Каплов давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўловчилар даромадини солиққа тортишнинг оптимал даражасини аниқлаш механизмларини, шунингдек капитални, мол-мулкни, трансфертларни солиққа тортиш масалаларини тадқиқ қилган.

Е. Беккер эса солиқ тўловчилар давлат бюджетига солиқ тўламасликка интилиш сабабларини ўрганган ҳамда солиқдан қочишга қарши курашиш орқали давлат бюджети даромадларини ошириш йўллари кўрсатиб берган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А. Ваҳобов, А. Жўраев, А. Маманазаров, Б. Тошмуродова, З. Срожидиннова, Н. Қўзиева, Н. Ҳайдаров, О. Иминов, Т. Маликов, Х. Кобулов, Ш. Тўраев, Қ. Яхъеев ва бошқаларнинг тадқиқотларида давлат бюджети даромадларининг таркиби, уларни бошқариш, солиқ ислохотларининг алоҳида назарий, амалий ва методологик жиҳатлари тадқиқ қилинган[12].

Т. Маликов ўз асарларида, давлат бюджети даромадларининг салмоқли қисмини ташкил қиладиган солиқлар ва солиққа тортишнинг назарий асосларини тадқиқ қилган.

А. Жўраев давлат бюджети солиқли даромадларини шакллантириш амалиётини таҳлил қилган, солиқ имтиёзларини бериш механизмининг тадқиқ таҳлил қилган.

**Тадқиқот методологияси.** Авваламбор, даромадларни шакллантиришдаги энг асосий масалаларни белгилаб олиш керак.



**1-расм. Солиқ-божхона сиёсатини ишлаб чиқишнинг долзарб масалалари**

*Манба:* Муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу масалаларни ҳал қилиш орқали макроиқтисодий барқарорликка эришиш мумкин. Агар, шу санаб ўтилган масалаларни биронта-

сига эътибор берилмаса, натижада мувозанат бузилиб салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, солиқ юкининг оширилиши

“хуфёна” иқтисодий кенгайишига олиб келади. Давлат бюджети тақчиллигининг ортиши кредитлар ставкасининг ошишига олиб келади ва ҳ.к.

2020 йилда бошланган пандемия кўп давлатлар бюджети даромадини йўқотишга олиб келди, мисол учун Нидерландияда 2021 йил учун фойда солиғи ставкасини 21,7 фоизга тушириш режаси ўрнига 25 фоиз даражасида сақлаб қолинди, жисмоний шахсларнинг жамғармалари ва инвестицияларидан олинган даро-

мадлари учун солиқ ставкаси 30 фоиздан 31 фоизгача оширилди[13].

Аксинча, Австрияда 2021 йилдан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг дастлабки 3 та поғонаси 25, 35 ва 42 фоиздан, мос равишда, 20, 30 ва 40 фоизга камайтирилди[14].

Умуман олганда, республикамизда солиқ-божхона сиёсатини ишлаб чиқишнинг методологияси қуйидагиларни ўз ичига олади.

1-жадвал

Солиқ-божхона сиёсатини ишлаб чиқишнинг методологияси

Вазифалари	Хусусиятлари	Самараси
Солиқ-божхона сиёсатини ишлаб чиқишда давлат бюджети даромадларини максимал даражада таъминлаш	Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар доим кўп маблағ талаб қилади ва бу талабларни қондириш учун маблағ етмаслиги табиий. Шу сабабли, фақатгина зарур соҳаларга маблағ ажратиш зарур бўлади.	Давлат бюджети тақчиллигининг келиб чиқмаслиги инфляцияни олдини олади ва давлат ўз функцияларини амалга оширилишини таъминлайди.
Солиқ юкини оптимал даражада бўлишини таъминлаш	Ҳар бир солиқ тўловчи давлат бюджетига имкони борича пул тўламасликка ҳаракат қилади. Солиқ маъмурчилигини ривожлантириш орқали солиқдан қочиш ҳоллари камайтирилса, солиқ юкини камайтиришга замин яратилади.	Солиқ юкининг камроқ бўлиши солиқдан қочиш ҳолатларини камайтиради, иқтисодий ўсишга мультипликатор орқали таъсир қилади.
Солиқ имтиёзларини қисқартириш	Солиқ имтиёзлари янги иш бошлаган субъектларни қўллаб-қувватлаш учун берилса-да, амалиётда турли йўللار билан фойдаланишга ҳаракат қилиниши сабабли, бюджетнинг катта йўқотишларига сабаб бўлади.	Солиқ имтиёзларини субсидиялар билан алмаштириш орқали
Давлат корхоналари тизими ва нарх-тариф сиёсати ислохотлари	Давлат корхоналарининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши 60 фоиздан ортиқ. Демак, мазкур соҳалардаги кескин ўзгаришларни бюджет даромадларига таъсири ҳам кескин бўлади.	Амалдаги моделлар ҳар бир солиқ бўйича умумий жадваллардан фойдаланишни кўзда тутаяди. Давлат корхоналари бўйича алоҳида ёндашув эса амалдаги моделларда кўзда тутилмаган эди.

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу жадвал ва юқорида айтиб ўтган муаммоли ҳолатларимиздан келиб чиққан ҳолда умумий хулоса шуки, республикада давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш усуллари ва методологик асослари бугунги кундаги ўзгаришларга жавоб бера олмайди ва янги модел тузилишини талаб қилади.

Худудлар ва тармоқларнинг солиқ имкониятларини баҳолаш солиқ-божхона сиёсати йўналишларини ишлаб чиқиш, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларини таҳлил қилиш мақсадида амалга оширилади. Солиқ имкониятлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, иқтисодийнинг йирик тармоқлари бўйича амалдаги солиқ турлари бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Қуйидагилар худудлар ва иқтисодий тармоқларининг солиқ салоҳиятини баҳолашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

худудларда ва иқтисодий тармоқларида амалдаги солиқ қонунчилиги талаблари доира-

сида бюджетга ундирилиши мумкин бўлган солиқ тушумларини максимал миқдорини аниқлаш;

солиқ-божхона сиёсати ва маъмурчилиги самарадорлигини баҳолаш;

давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг тўлиқ тушишига тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлаш;

солиқ тўловчиларнинг гуруҳлар кесимида солиқ салоҳиятини баҳолаш;

давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар даромадлари прогнозларини баҳолаш.

Худудлар ва иқтисодий тармоқларида солиқ имкониятларини баҳолаш фойда солиғи, айланмадан олинган солиқ, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича амалга оширилади.

**Тадқиқот натижалари муҳокамаси.** Солиқ салоҳиятини баҳолаш Ўзбекистон Респуб-

ликаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қўйи бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Фойда солиғи бўйича солиқ имкониятларини баҳолаш қўйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

а) иқтисодиёт тармоғи бўйича баҳоланганда:

$$TPpse = \max(GDPSE_f * \text{mediana}(0; (\frac{PSE_{t-1}}{GDPSE_{t-1}} + \frac{PSE_{t-2}}{GDPSE_{t-2}} + \frac{PSE_{t-3}}{GDPSE_{t-3}})/3; 50\%)) * rtr; PTSE_t * \frac{GDPSE_f}{GDPSE_t})$$

$TPpse$  – Иқтисодиёт тармоғининг фойда солиғи бўйича солиқ имконияти

$GDPSE_f$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича келгуси йил учун прогноз қилинган ялпи ички маҳсулот миқдори

$PSE_{t-1}$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича ўтган йилда шаклланган фойда солиғи тўлагунга қадар бўлган фойда (зарар)

$PSE_{t-2}$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича икки йил олдин шаклланган фойда солиғи тўлагунга қадар бўлган фойда (зарар)

$PSE_{t-3}$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича уч йил олдин шаклланган фойда солиғи тўлагунга қадар бўлган фойда (зарар)

$GDPSE_{t-1}$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича ўтган йилдаги ялпи ички маҳсулот

$GDPSE_{t-2}$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича икки йил олдинги ялпи ички маҳсулот

$GDPSE_{t-3}$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича уч йил олдинги ялпи ички маҳсулот

$rtr$  – Фойда солиғи бўйича репрезентатив солиқ ставкаси

$PTSE_t$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича фойда солиғининг жорий йилда қутилаётган миқдори

$GDPSE_t$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича жорий йилда қутилаётган ялпи ички маҳсулот миқдори

б) ҳудуд бўйича баҳоланганда:

$$TPpr = \max(GRP_f * \text{mediana}(0; (\frac{PR_{t-1}}{GRP_{t-1}} + \frac{PR_{t-2}}{GRP_{t-2}} + \frac{PR_{t-3}}{GRP_{t-3}})/3; 50\%)) * rtr; PTR_t * \frac{GRP_f}{GRP_t})$$

$TPpr$  – Ҳудуд бўйича фойда солиғи бўйича солиқ имконияти

$GRP_f$  – Ҳудуд бўйича келгуси йил учун прогноз қилинган ялпи ҳудудий маҳсулот миқдори

$PR_{t-1}$  – Ҳудуд бўйича ўтган йилда шаклланган фойда солиғи тўлагунга қадар бўлган фойда (зарар)

$PR_{t-2}$  – Ҳудуд бўйича икки йил олдин шаклланган фойда солиғи тўлагунга қадар бўлган фойда (зарар)

$PR_{t-3}$  – Ҳудуд бўйича уч йил олдин шаклланган фойда солиғи тўлагунга қадар бўлган фойда (зарар)

$GRP_{t-1}$  – Ўтган йилдаги ялпи ҳудудий маҳсулот

$GRP_{t-2}$  – Икки йил олдинги ялпи ҳудудий маҳсулот

$GRP_{t-3}$  – Уч йил олдинги ялпи ҳудудий маҳсулот

$rtr$  – Фойда солиғи бўйича репрезентатив солиқ ставкаси

$PTR_t$  – Ҳудуд бўйича фойда солиғининг жорий йилда қутилаётган миқдори

$GRP_t$  – Ҳудуд бўйича жорий йилда қутилаётган ялпи ҳудудий маҳсулот миқдори

Айланмадан олинган солиқ бўйича солиқ имкониятларини баҳолаш қўйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

а) иқтисодиёт тармоғи бўйича баҳоланганда:

$$TPtse = \max(GDPSE_f * (\frac{GDPSSSE_{t-1}}{GDPSE_{t-1}} + \frac{GDPSSSE_{t-2}}{GDPSE_{t-2}} + \frac{GDPSSSE_{t-3}}{GDPSE_{t-3}})/3 * rtr * \frac{QSTR}{QT}; TTSE_t * \frac{GDPSE_f}{GDPSE_t})$$

$TPtse$  – Иқтисодиёт тармоғининг айланмадан олинган солиқ бўйича солиқ имконияти

$GDPSE_f$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича келгуси йил учун прогноз қилинган ялпи ички маҳсулот миқдори

$GDPSSSE_{t-1}$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича ялпи ички маҳсулотдаги кичик бизнес улуши

$GDPSSSE_{t-2}$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича икки йил олдин шаклланган ялпи ички маҳсулотдаги кичик бизнес улуши

$GDPSSSE_{t-3}$  – Иқтисодиёт тармоғи бўйича уч йил олдин шаклланган ялпи ички маҳсулотдаги кичик бизнес улуши

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

$GDPSE_{t-1}$	– Иқтисодиёт тармоғи бўйича ўтган йилдаги ялпи ички маҳсулот
$GDPSE_{t-2}$	– Иқтисодиёт тармоғи бўйича икки йил олдинги ялпи ички маҳсулот
$GDPSE_{t-3}$	– Иқтисодиёт тармоғи бўйича уч йил олдинги ялпи ички маҳсулот
$rtr$	– Айланмадан олинadиган солиқ бўйича репрезентатив солиқ ставкаси
$QSTR$	– Иқтисодиёт тармоғи бўйича умумбелгиланган солиқ тўлашга ўтган кичик бизнес корхоналари сони
$QT$	– Иқтисодиёт тармоғи бўйича кичик бизнес корхоналари сони
$TTSE_t$	– Иқтисодиёт тармоғи бўйича айланмадан олинadиган солиқнинг жорий йилда қутилаётган миқдори
$GDPSE_t$	– Иқтисодиёт тармоғи бўйича жорий йилда қутилаётган ялпи ички маҳсулот миқдори

б) ҳудуд бўйича баҳоланганда:

$$TPtr = \max(GRP_f * (\frac{GRPS_{t-1}}{GRP_{t-1}} + \frac{GRPS_{t-2}}{GRP_{t-2}} + \frac{GRPS_{t-3}}{GRP_{t-3}}) / 3 * rtr * \frac{QSTR}{QT}; TTR_t * \frac{GRP_f}{GRP_t})$$

$TPtse$	– Ҳудуд бўйича айланмадан олинadиган солиқ бўйича солиқ имконияти
$GRP_f$	– Ҳудуд бўйича келгуси йил учун прогноз қилинган ялпи ички маҳсулот миқдори
$GRPS_{t-1}$	– Ҳудуд бўйича ялпи ички маҳсулотдаги кичик бизнес улуши
$GRPS_{t-2}$	– Ҳудуд бўйича икки йил олдин шаклланган ялпи ички маҳсулотдаги кичик бизнес улуши
$GRPS_{t-3}$	– Ҳудуд бўйича уч йил олдин шаклланган ялпи ички маҳсулотдаги кичик бизнес улуши
$GRP_{t-1}$	– Ҳудуд бўйича ўтган йилдаги ялпи ички маҳсулот
$GRP_{t-2}$	– Ҳудуд тармоғи бўйича икки йил олдинги ялпи ички маҳсулот
$GRP_{t-3}$	– Ҳудуд бўйича уч йил олдинги ялпи ички маҳсулот
$Rtr$	– Айланмадан олинadиган солиқ бўйича репрезентатив солиқ ставкаси
$QSTR$	– Ҳудуд бўйича умумбелгиланган солиқ тўлашга ўтган кичик бизнес корхоналари сони
$QT$	– Ҳудуд бўйича кичик бизнес корхоналари сони
$TTR_t$	– Ҳудуд бўйича айланмадан олинadиган солиқнинг жорий йилда қутилаётган миқдори
$GRP_t$	– Ҳудуд бўйича жорий йилда қутилаётган ялпи ички маҳсулот миқдори

Жисмоний шахслардан олинadиган солиқ бўйича солиқ имкониятларини баҳолаш қуйи-даги формула ёрдамида амалга оширилади:

а) иқтисодиёт тармоғи бўйича баҳоланганда:

$$TPpitse = \max((QTLF - QTLFO) * \frac{QTLFOSE}{QTLFO} * MW * 12 * rtr + PitTSE * \frac{GDPSE_f}{GDPSE_t}; PitTSE * \frac{GDPSE_f}{GDPSE_t})$$

$TPpitse$	– Иқтисодиёт тармоғининг жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича солиқ имконияти
$QTLF$	– Ўтган йилдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони
$QTLFO$	– Ўтган йилдаги расмий ишловчилар сони
$QTLFOSE$	– Иқтисодиёт тармоғи бўйича расмий ишловчилар сони
$MW$	– Жорий йилдаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори
$rtr$	– Жисмоний шахслардан олинadиган солиқ бўйича репрезентатив солиқ ставкаси
$PitTSE$	– Иқтисодиёт тармоғи бўйича жорий йилда қутилаётган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи
$GDPSE_f$	– Иқтисодиёт тармоғи бўйича келгуси йил учун прогноз қилинган ялпи ички маҳсулот миқдори
$GDPSE_t$	– Иқтисодиёт тармоғи бўйича жорий йилда қутилаётган ялпи ички маҳсулот миқдори

б) ҳудуд бўйича баҳоланганда:

$$TPpitr = \max((QTLF - QTLFO) * \frac{QTLFOR}{QTLFO} * MW * 12 * rtr + PitTR * \frac{GRP_f}{GRP_t}; PitTR * \frac{GRP_f}{GRP_t})$$

$TPpitr$	– Ҳудуднинг айланмадан олинadиган солиқ бўйича солиқ имконияти
$QTLF$	– Ўтган йилдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони
$QTLFO$	– Ўтган йилдаги расмий ишловчилар сони
$QTLFOR$	– Ҳудуд бўйича расмий ишловчилар сони
$MW$	– Жорий йилдаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори



## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

- rtr* – Жисмоний шахслардан олинадиган солиқ бўйича репрезентатив солиқ ставкаси  
*PitTR* – Худуд бўйича жорий йилда кутилаётган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи  
*GRP<sub>f</sub>* – Худуд бўйича келгуси йил учун прогноз қилинган ялпи ички маҳсулот миқдори  
*GRP<sub>t</sub>* – Худуд бўйича жорий йилда кутилаётган ялпи ички маҳсулот миқдори

Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ имкониятларини баҳолаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади: а) иқтисодиёт тармоғи бўйича баҳоланганда:

$$TPvatse = \max\left(GDP_f * \frac{VATOTAL_{t-1}}{GDP_{t-1}} * \frac{VASE_{t-1}}{VATOTAL_{t-1}} * rtr ; VATTSE * \frac{GDPSE_f}{GDPSE_t}\right)$$

- TPvatse* – Иқтисодиёт тармоғининг қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ имконияти  
*GDP<sub>f</sub>* – Ялпи ички маҳсулотнинг келгуси йил учун мўлжалланган прогнози  
*VATOTAL<sub>t-1</sub>* – Ҳудуд бўйича ялпи қўшилган қиймат  
*GDP<sub>t-1</sub>* – Ҳудуд бўйича ялпи ички маҳсулот  
*VASE<sub>t-1</sub>* – Ҳудуд бўйича иқтисодиёт тармоғи бўйича ялпи қўшилган қиймат  
*rtr* – Қўшилган қиймат солиғи бўйича репрезентатив солиқ ставкаси  
*VATTSE* – Иқтисодиёт тармоғи бўйича жорий йилда кутилаётган қўшилган қиймат солиғи  
*GDPSE<sub>f</sub>* – Иқтисодиёт тармоғи бўйича келгуси йил учун прогноз қилинган ялпи ички маҳсулот миқдори  
*GDPSE<sub>t</sub>* – Иқтисодиёт тармоғи бўйича жорий йилда кутилаётган ялпи ички маҳсулот миқдори

б) худуд бўйича баҳоланганда:

$$TPvatr = \max\left(GRP_f * \frac{VAR_{t-1}}{GRP_{t-1}} * rtr ; VATTR * \frac{GRP_f}{GRP_t}\right)$$

- TPvatr* – Худуднинг қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ имконияти  
*GRP<sub>f</sub>* – Ялпи худудий маҳсулотнинг келгуси йил учун мўлжалланган прогнози  
*GRP<sub>t-1</sub>* – Ҳудуд бўйича ялпи худудий маҳсулот  
*VAR<sub>t-1</sub>* – Ҳудуд бўйича худуд бўйича ялпи қўшилган қиймат  
*Rtr* – Қўшилган қиймат солиғи бўйича репрезентатив солиқ ставкаси  
*VATTR* – Худуд бўйича жорий йилда кутилаётган қўшилган қиймат солиғи  
*GRP<sub>f</sub>* – Худуд бўйича келгуси йил учун прогноз қилинган ялпи ички маҳсулот миқдори  
*GRP<sub>t</sub>* – Худуд бўйича жорий йилда кутилаётган ялпи ички маҳсулот миқдори

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ имкониятларини баҳолаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади: а) иқтисодиёт тармоғи бўйича баҳоланганда:

$$TPptlese = PTLESE * \frac{GDPSE_f}{GDPSE_t} * \frac{GDP_{t-1}}{UGDP_{t-1}}$$

- TPptlese* – Иқтисодиёт тармоғининг юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ имконияти  
*PTLESE* – Иқтисодиёт тармоғи бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий йилда кутилаётган тушум  
*GDPSE<sub>f</sub>* – Иқтисодиёт тармоғи бўйича келгуси йил учун прогноз қилинган ялпи ички маҳсулот миқдори  
*GDPSE<sub>t</sub>* – Иқтисодиёт тармоғи бўйича жорий йилда кутилаётган ялпи ички маҳсулот миқдори  
*GDP<sub>t-1</sub>* – Ҳудуд бўйича ялпи ички маҳсулот  
*UGDP<sub>t-1</sub>* – Ҳудуд бўйича ялпи ички маҳсулотдаги норасмий секторнинг улуши

а) худуд бўйича баҳоланганда:

$$TPptler = PTLER * \frac{GRP_f}{GRP_t} * \frac{GRP_{t-1}}{UGRP_{t-1}}$$

$TPptler$	– Худуд бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ имконияти
$PTLER$	– Худуд бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий йилда қўйилган тушум
$GRP_f$	– Келгуси йил учун прогноз қилинган ялпи ҳудудий маҳсулот миқдори
$GRP_t$	– Жорий йилда қўйилган ялпи ҳудудий маҳсулот миқдори
$GRP_{t-1}$	– Ҳаётдаги ялпи ҳудудий маҳсулот
$UGRP_{t-1}$	– Ҳаётдаги ялпи ҳудудий маҳсулотдаги норасмий секторнинг улуши

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-баҳолаш қўйидаги формула ёрдамида амалга мулк солиғи бўйича солиқ имкониятларини оширилади:

$$TPptpr = PTPR * \frac{GRP_{t-1}}{UGRP_{t-1}}$$

$TPptpr$	– Худуд бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ имконияти
$PTPR$	– Худуд бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий йилда қўйилган тушум
$GRP_{t-1}$	– Ҳаётдаги ялпи ҳудудий маҳсулот
$UGRP_{t-1}$	– Ҳаётдаги ялпи ҳудудий маҳсулотдаги норасмий секторнинг улуши

Юридик шахслардан олинадиган ер а) иқтисодиёт тармоғи бўйича баҳолаш солиғи бўйича солиқ имкониятларини баҳолаш ганда: қўйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$TPltlese = TA * \frac{TALEO}{TAO} * \frac{TALEOSE}{TALEO} * rtr$$

$TPltlese$	– Иқтисодиёт тармоғининг юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ имконияти
$TA$	– Жами ер майдони
$TALEO$	– Солиқ ҳисоботларига кўра юридик шахсларга тегишли жами ер майдони
$TAO$	– Солиқ ҳисоботларига кўра жами ер майдони
$TALEOSE$	– Солиқ ҳисоботларига кўра иқтисодиёт тармоғидаги юридик шахсларга тегишли жами ер майдони
$rtr$	– Ер солиғининг ўртача ставкаси

б) худуд бўйича баҳоланганда:

$$TPltler = TA * \frac{TALEO}{TAO} * rtr$$

$TPltler$	– Худуд бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ имконияти
$TA$	– Худуднинг жами ер майдони
$TALEO$	– Солиқ ҳисоботларига кўра худуддаги юридик шахсларга тегишли жами ер майдони
$TAO$	– Солиқ ҳисоботларига кўра худуддаги жами ер майдони
$rtr$	– Ер солиғининг ўртача ставкаси

Жисмоний шахслардан олинадиган ер қўйидаги формула ёрдамида амалга оширилади: солиғи бўйича солиқ имкониятларини баҳолаш

$$TPltpr = TA * \frac{TALEO}{TAO} * rtr$$

$TPltler$	– Худуд бўйича жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ имконияти
$TA$	– Худуднинг жами ер майдони
$TALEO$	– Солиқ ҳисоботларига кўра худуддаги жисмоний шахсларга тегишли жами ер майдони
$TAO$	– Солиқ ҳисоботларига кўра худуддаги жами ер майдони
$rtr$	– Ер солиғининг ўртача ставкаси

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ имкониятларини баҳолаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

а) иқтисодиёт тармоғи бўйича баҳоланганда:

$$TPwtse = UWV * \frac{UWVOSE}{UWVO} * rtr$$

*TPwtse* – Иқтисодиёт тармоғининг сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ имконияти

*UWV* – Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра ўтган йили жами фойдаланилган сув ҳажми

*UWVOSE* – Солиқ ҳисоботларига кўра иқтисодиёт тармоқлари корхоналари томонидан жами фойдаланилган сув ҳажми

*UWVO* – Солиқ ҳисоботларига кўра жами фойдаланилган сув ҳажми

*rtr* – Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ўртача ставкаси

б) ҳудуд бўйича баҳоланганда:

$$TPwtR = UWV * \frac{UWVOR}{UWVO} * rtr$$

*TPwtR* – Ҳудуд бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ имконияти

*UWV* – Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра ўтган йили жами фойдаланилган сув ҳажми

*UWVOR* – Солиқ ҳисоботларига кўра ҳудуд бўйича жами фойдаланилган сув ҳажми

*UWVO* – Солиқ ҳисоботларига кўра жами фойдаланилган сув ҳажми

*rtr* – Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ўртача ставкаси

Юқоридаги формулалар ёрдамида иқтисодиёт тармоқлари ёки ҳудудларни солиқ салохиятини белгилаш мумкин ва солиқ маъмуричилигига баҳо бериш мумкин.

**Хулоса ва таклифлар.** Шу билан бирга, давлат бюджети даромадларини кўпайтириш мақсадида, қуйидагилар таклиф қилинади.

1. Давлат улуши бор субъектлардан давлат улушига ҳисобланган дивидендларни ва давлат корхоналарининг соф фойдасини давлат бюджетига ўтказишнинг минимал миқдорларини белгилаш;

2. Иқтисодиётни реал секторини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган солиқ ва божхона

тўловлари бўйича берилган имтиёзларни бекор қилиш;

3. Солиқ тўловчиларга солиқ юкини билвосита камайтириш, уларнинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини ўз маблағлари ҳисобидан таъминлаш мақсадида, қўшилган қиймат солиғининг манфий қолдиғини барча солиқ тўловчиларга ҳисобот даври тугаши билан тўлиқ қайтариш;

4. Фойда солиғи тўловчиларнинг айримлари учун белгиланган юқори ставкаларни (20%) бекор қилиш ва улар учун стандарт ставкани (15 %) жорий қилиш.

#### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Kaplow, Louis. *The theory of Taxation and Public Economics*. New Jersey: Princeton University Press, 2008. -472p.
2. <https://www.cbpp.org/research/state-budget-and-tax/states-grappling-with-hit-to-tax-collections> 28.11.2020й. кунни олинган.
3. <https://420on.cz/news/economics/59043-defitsit-gosbyudzheta-chehii-v-2020-godu-sostavit-500-mlrd-kron> 02.12.2020 й. кунни олинган.
4. <http://www.baltic-course.com/eng/finances/?doc=155698&output=d> 28.11.2020й. кунни олинган.
5. <https://vc.ru/finance/154167-naskolko-snizilis-dohody-gosudarstva-v-2020-godu> 02.12.2020й. кунни олинган.
6. <https://rus.lsm.lv/statja/novosti/ekonomika/v-sovokupnom-byudzhete-latvii-obrazovalsja-deficit--4099-mln-evro.a383269/> 03.12.2020й. кунни олинган.
7. <https://www.pm.gov.au/media/tax-relief-back-hard-working-australians-and-create-more-jobs-passes-parliament#:~:text=Tax%20relief%20for%20individuals&text=From%201%20July%202020%3A,increase%20from%20%2490%2C000%20to%20%24120%2C000> 03.12.2020й. кунни олинган.
8. <https://www.ortevo.de/insight/brazils-tax-reform-2020/?lang=en#:~:text=The%20proposal%20is%20expected%20to%20be%20submitted%20in%20early%202020.&text=Subsequently%2C%20the%20Bolsonaro%20government%20will,5%20to%20eight%20year%20period> 03.12.2020й. кунни олинган.
9. <https://home.kpmg/us/en/home/insights/2019/12/tnf-mexico-tax-reform-2020-focus-international-taxation-digital-taxation.html#:~:text=The%20Mexican%20tax%20reform%20for,2019%20in%20the%20official%20gazette> 03.12.2020й. кунни олинган.
10. <https://www.oecd.org/tax/tax-policy/highlights-tax-policy-reforms.pdf> 03.12.2020й. кунни олинган.
11. Laffer, A., Seymour, J.P. *The economics of the Tax revolt*. – San Diego. Harcourt Brace Jovanovich, Inc, 1976, – 230p.; Myles, G.D. *Public economics*. – Cambridge University Press, 1995. – 538p.; Беккер Е.Г. Микроэкономические аспекты проблемы уклонения от налогов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: Финансовая академия при Правительстве РФ, 2006. – 73с.; Малыш, Е. В. *Налоги и налогообложение: учеб.-метод. пособие*. – Екатеринбург. Изд-во Урал. ун-та,



2017. – 112с.; Kaplow, L. *The theory of Taxation and Public Economics*. – New Jersey. Princeton University Press, 2008. – 472р.; Иванова Н.В. Развитие научных представлений о налогообложении: общие и частные теории налогов. Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ», 2009, Выпуск №1 (октябрь — декабрь) – <http://naukovedenie.ru/>; Налоги и налогообложение: Учебное пособие / Под общей редакцией к.э.н., доцента Лазуриной О.М. – Ярославль: МФЮА, 2014. – 220с.; Rose R. Maximizing Tax revenue while Minimizing Political Costs. *Journal of Public Policy*, 1985, Vol.5 No. 3, pp. 289-320.; Кадомцева С.В. Государственные финансы: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 352с.; Lott, W.F., Miller S.M. Excise Tax Revenue Maximization. *Southern Economic Journal*, 1974, Vol.40 No. 4, – pp.657-664.; Porca, S. Important determinants of state tax revenue portfolios. *Annual Conference on taxation and minutes of the Annual Meeting of the national Tax Association*, 2002. Vol. 95, – pp. 416-426.; Rosen, H.S., Gayer, T. *Public finance*. – New York. McGraw-Hill Education, 2008. – 596р.

12. Ваҳобов А.В., Срождидинова З.Х. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. Т.: Иқтисод-молия, 2001. – 174б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришининг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 224б.; Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2002. – 22б.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128б.; Хайдаров Н.Х. Давлат бюджети. - Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод ва молия». 2007, – 21б.; Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишининг долзарб масалалари. – Тошкент, «Академия», 2002. – 204б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишининг долзарб масалалари. – Т.; Академия, 2002. – 279б.; Маликов Т.С., Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 230б.; Кобулов Х.А. Худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. –Т.: БМА, 2006., –22б.

13. [https://tax-news.com/news/Netherlands\\_cancels\\_corporate\\_tax\\_rate\\_cut\\_\\_\\_97826](https://tax-news.com/news/Netherlands_cancels_corporate_tax_rate_cut___97826)

14. [https://tax-news.com/news/Austria\\_Urged\\_To\\_Lower\\_Labor\\_Tax\\_Burden\\_\\_\\_97577](https://tax-news.com/news/Austria_Urged_To_Lower_Labor_Tax_Burden___97577)

## МИЛЛИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

**Ганибаев Илхомжон Шокиралиевич -**

Фарғона политехника институти “Бухгалтерия ҳисоби  
ва аудит кафедраси” катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада асосий воситалар ҳисобининг миллий ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, 2021 йил 1 январдан бошлаб МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юртадиган юридик шахслар, асосий воситалар ҳақида тушунча ва уларнинг тан олиш мезонлари, асосий воситалар қийматини аниқлаш, миллий ва молиявий ҳисоботни халқаро стандартларидаги атамалар, уларнинг умумий жиҳатлари ҳамда фарқлиши ёритилган.

**Калит сўзлар:** Асосий воситалар, миллий стандартлар, молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари, асосий воситаларни тан олиш мезонлари, бошланғич қиймат, қайта баҳолаш ҳисобга олинган қиймат, тугатиш қиймати, кадрсизланиш бўйича зарар, қопланадиган қиймат.

## ОРГАНИЗАЦИЯ УЧЕТА ОСНОВНЫХ АКТИВОВ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ НАЦИОНАЛЬНОЙ И ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

**Ганибаев Илхомжон Шокиралиевич**

Старший преподаватель кафедры бухгалтерского учета  
и аудита Ферганского политехнического института

**Аннотация:** В статье рассматриваются национальные и международные стандарты финансовой отчетности основных средств, юридические лица с 1 января 2021 года обязаны вести бухгалтерский учет на основе МСФО, понятие основных средств и критерии их признания, определение стоимости основных средств, термины национальной и международные стандарты финансовой отчетности, их общие аспекты и отличия.

**Ключевые слова:** Основные средства, национальные стандарты, международные стандарты финансовой отчетности, критерии признания основных средств, первоначальная стоимость, переоценочная стоимость, ликвидационная стоимость, убыток от обесценения, возмещаемая стоимость.

## ORGANIZATION OF FINANCIAL ASSETS ACCOUNTS BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS OF NATIONAL AND FINANCIAL REPORTING

**G'anibayev Ilhomjon Shokiralievich**

Senior Lecturer, Department of Accounting and  
Auditing, Fergana Polytechnic Institute

**Annotation:** The article deals with national and international financial of report standards of fixed assets, juridical persons that conduct accounting on the basis of IFRS from January 1, 2021, the concept of fixed assets and their recognition criteria, determining the value of fixed assets, national and financial reporting international standards, their general aspects and differences are given.

**Keywords:** Assets, national standards, International Financial Reporting Standards, assets's recognition criteria, initial cost, revaluation value, liquidation value, impairment loss, recoverable amount.